

**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки»
акционерлик жамиятида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича
СИЁСАТ**

1. Умумий қоидалар

1.1. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» акционерлик жамиятида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича сиёсат (келгусида – Сиёсат) Банкда жараён иштирокчилари орасида манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий мақсад ва вазифалари, шунингдек Банкда ва учинчи шахслар, мижозлар, контрагентлар ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа маслаҳатчилар орасидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тамойиллар ва босқичларини белгилайди.

1.2. Ушбу ҳужжат:

– “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун;

– “Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонун;

– «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖ Низоми;

– Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

1.3. Амалдаги Сиёсат комплаенс-таваккални бошқариш тизимининг бир қисми бўлиб, барча ишчиларга ҳамда Банк тижорат фаолиятининг барча соҳаларига нисбатан амал қилади.

1.4. Амалдаги Сиёсат доирасида манфаатлар тўқнашуви деганда Банк ва унинг ишчилари ҳамда (ёки) бир ва бир нечта мижознинг мулкӣ ва бошқа манфаатлари ўртасидаги тўғридан тўғри ёки билвосита қарама-қаршилик бўлиб, томонлардан бирининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида бошқа томон учун салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Амалдаги Сиёсат мақсадларидан келиб чиқиб, музокаралар тарафларидан бирига амалга ошириш шартлари очик-ойдин ёки олдиндан маълум бўлиши керак бўлган оддий хўжалик фаолияти доирасидаги музоказаралар давомида келиб чиқадиган тижорат шартлари бўйича манфаатлар қарама қаршилиги манфаатлар тўқнашуви бўлиб ҳисобланмайди.

1.5. Сиёсатга риоя қилиш бўйича талаблар Банк билан фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга, агар тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномалар, уларнинг ички ҳужжатлари ёки тўғридан тўғри қонунчиликдан келиб чиқадиган ҳолда тегишли бўлади.

1.6. Банк ўз хизматчиларидан (Банкда эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар) муайян ахлоқий тамойиллар, амалдаги Сиёсат талабларига риоя қилишни талаб қилади.

1.7. Сиёсат Банк учун манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасида ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Атамалар ва таърифлар рўйхати

Банк – «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» акционерлик жамияти.

Яқин қариндошлар (амалдаги Сиёсат мақсадлари учун) – оналар, қондош ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр (хотин), болалар, шунингдек асраб олинган болалар, бобо, буви, набиралар ҳамда эр (хотин)нинг ота-онаси;

Мижоз – Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган жисмоний ёки юридик шахс.

Контрагент – Банк билан шартнома бўйича тарафлардан бири бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Махфий маълумотлар (амалдаги Сиёсат мақсадлари учун) – тижорат сирини, шахсий ва банк сирини ўз ичига олган маълумотлар. Махфий маълумотлар шунингдек, ҳамма учун очик бўлмаган хусусий маълумотлар ёки ушбу маълумотлар сир сақланиши ва ниҳоятда алоҳида мақсадларда тақдим этилиши шарти билан берилган ташқи манбалар (Банк мижози ёки бошқа учинчи томон)дан олинган манбалар киради.

Совға – оддий баҳони тўлаш мажбурияти бўлмаган ҳар қандай моддий ва номоддий шаклдаги қимматликлар, шунингдек пул маблағлари, мулк, мулк хусусиятга эга бўлган фойда ва хизматлар (ишлар, хизматлар, кўнгилхушликлар, дам олиш учун тўлов, транспорт харажатлари, омонатлар, чегирмалар, мулк, масалан уй-жойни беминнат фойдаланишга тақдим этиш, хайрия бадаллари, ҳайр-эҳсонлар ва бошқалар) ва Банкда ишлаш муносабати билан олинган ёки ўтказилган бошқа нарса-буюмлар ва хизматлар.

Ходим – Банк билан меҳнат муносабатларига киришган ҳар қандай жисмоний шахс.

Ходимнинг оила аъзолари (амалдаги Сиёсат мақсадлари учун) – ходимлар билан биргаликда яшовчи ва у билан қариндошчилик даражасидан қатъи назар биргаликда хўжалик юритувчи шахслар.

Комплаенс-таваккал – Банк томонидан қонунлар, йўриқномалар, қоидалар, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар стандартлари ва Банк фаолияти тегишли хулқ-атвorigа риоя қилмаслик натижасида юридик санкциялар ёки тартибга солувчи ташкилотларнинг санкцияларини қўллаш, сезиларли молиявий зарар кўриш ёки Банк томонидан ишчанлик обрўсининг йўқотилиши хавфи.

2. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур Сиёсатнинг мақсади Банкнинг ҳаракатлари туфайли мижоз, шу каби Банк, ходим, бошқа мижоз ёки Банк ҳаракатига тегишли бўлган ҳар қандай учинчи томоннинг салбий оқибатлар (зарар, даромаддан камомад кўриш, бозор нархининг пасайиши ва бошқ) зарур миқдорда фойда олмаслигига йўл қўймаслик ёки бу каби вазиятларни олдини олиш ҳисобланади.

Амалдаги Сиёсатнинг асосий вазифалари:

- Мижозлар ва шериклар томонида Банкка ишончни ошириш, мижозларга адолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ва очиқлик, шаффофлик ҳамда олдиндан кўра билиш тамойилларига асосланган ҳолда корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига риоя қилиш;

- Банкнинг халқаро обрў йини кўтариш мақсадида халқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқлик;

- манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган шароитда яширин манфаатлар тўқнашуви, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмлари ва Банк ходимларининг хулқ-атвор меъёрлари тўғрисидаги маълумотларни очиш тамойилларини белгилаш;

- Банк ходимларига манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, бошқариш ва тартибга солиш бўйича Банк томонидан кўрилаётган чоралар тўғрисида умумий маълумотни тақдим этиш, шунингдек Банк ходимларига бу каби низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усулларини аниқлашда кўмак бериш;

- Манфаатлар тўқнaнaшувини бошқариш бўйича Банк томонидан риоя қилиниши мажбур бўлган минимал стандартларни белгилаш.

3. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришда яширин хавф-хатарлар

Манфаатлар тўқнашувини лозим даражада бошқармаслик сабабли куйидаги турдаги хавф-хатарлар юзага келиши мумкин:

- Обрўсизланиш хавф-хатари, у юзага келаётган манфаатлар тўқнашувини назар-писанд қилмаслик ва уларнинг мижозлар, шериклар ва жамият томонидан Банкка бўлган муносабатга таъсир қилиши;

- Мижозлар манфаатларини бузиш ёки Банк ва унинг ходимлари томонидан битимлар тузиш қонунийлигига эътироз билдириш бўйича эҳтимолли оқибатлар билан боғлиқ ҳуқуқий хавф-хатар;

- Банк ходимлари томонидан амалдаги Сиёсат ва Банкнинг хизматлар кўрсатиш ва банк операцияларини амалга оширишдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш чоралари тартибга солинадиган бошқа ички меъёрий ҳужжатларни бузиш ёки уларга зарар етказиш эҳтимоли бўлган операцион хавф-хатар.

Манфаатлар тўқнашувининг белгиланган тартибда бошқаришнинг намунаси бўлиб, битим сифатида Банк бошқаруви органлари томонидан белгиланган тартибда маъқулланган ва уни тузишда манфаатдорлик бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра уни тузишда манфаатдорлик бўлган битимлар тан олинади.

4. Манфаатлар тўқнашувининг турлари

4.1. Манфаатлар тўқнашувининг куйидаги турлари бўлиши мумкин:

- Банк бошқаруви органлари аъзолари ўртасида;
- Бошқарув органлари ва назорат органлари ўртасида;
- Мижоз ва Банк ўртасида;
- Банк мижозлари ўртасида – бир Мижоз (Мижозлар)нинг манфаатлари ва боша Мижоз манфаатлари ўртасида тафовут бўлган вазиятларда;

- Банк ва унинг ходимлари ўртасида;
- Банк ва контрагентлар ўртасида;
- Банк ва акциядорлар ўртасида;
- Бошқа манфаатдор шахслар ўртасида.

Кўрсатилган вазиятлар узил-кесил ҳисобланмайди. Банк ходимлари моҳияти бўйича ўхшаш вазиятларда ҳам манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига мустақил баҳо беришлари шарт.

Манфаатлар тўқнашуви банк фаолияти ва кимматли қоғозлар бозоридги фаолиятга хос бўлиб, агар мазкур тўқнашувга нисбатан аниқлаш, баҳо бериш, бошқариш ва очиш каби зарурий чоралар кўрилган бўлса, ўз ҳолича қоидабузарлик бўлиб ҳисобланмайди.

4.2. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган (ёки бундай тўқнашувнинг мавжудлигига гумон бўлган) ҳамда унга нисбатан га етарлича чоралар кўрилмаган ҳолат ходимлар ва бошқа шахслар, чунончи мижозлар, акциядорлар, контрагентлар ва касаба уюшмалари олдида Банк обрўйига путур етиши мумкин бўлган ҳолат сифатида қабул қилинади.

5. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг умумий тамойиллари

5.1. Банк ўз мижозларига улар билан ва улар номидан битимлар тузишда ва маслаҳат беришда адолатли муносабатни таъминлайди. Агар Банк ходимлари уларнинг мижозлар билан ўзаро муносабати ёки мижозларга кўрсатиладиган маслаҳат хизматларига таъсир қилиши мумкин бўлган мулки манфаат тўғрисида билсалар, бундай манфаат мижозларга маслаҳат бериш ва улар билан ҳамда уларнинг номидан битимлар тузишда инобатга олинмаслиги зарур.

5.2. Агар юқорида қайд этилган мулкый манфаат мижоз билан битим тузиш ёки унга маслаҳат беришда ҳисобга олинмаслиги мумкин бўлмаса, ёхуд ҳам ва ҳам Банк учун яширин манфаатлар тўқнашуви бартараф этилиши имкони бўлмаса, бундай низо тегишли мижозлар (агар бундайлари бўлса)дан рухсат олиш ёки (истисно ҳолатлар) бир ёки иккала битимдан воз кечиш орқали ҳал этилиши мумкин.

5.3. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ёки тартибга солиш манфаатлар тўқнашуви тарафларидан бири бўлган ёки унинг манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлган фойдадан воз кечиши (масалан, аниқ бир мижоз ёки Банк контрагенти билан ишлашдан бош тортиш, битимни тайёрлашдан бош тортиш) банк ходимининг функционал мажбуриятлари доирасида топшириқлари ва вазифаларининг кўламини ўзгартиришда ўз аксини топиши мумкин. Алоҳида ҳолларда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ёки тартибга солиш манфаатлар тўқнашуви тарафларидан бири бўлган Банк ходимининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра лавозим ва хизмат мавқеини ўзгартиришдан иборат бўлади.

5.4. Банк ходими ва Банк манфаатлари тўқнашуви ҳолатларида кўрсатилган манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда Банк манфаатлари устувор аҳамиятга эга бўлади.

5.5. Банкда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш куйида кўрсатилган тамойилларга асосланади:

- Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ реал ва яширин маъумотларни очишнинг мажбурийлиги;

- Ҳар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва тартибга солишда Банк обрўси ва шаъни учун хавф-хатарларни яқка тартибда кўриб чиқиш ва баҳо бериш;

- манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва тартибга солишда маълумотларни очиш жараёнида катъий махфийлик тартибига риоя қилиш;

- манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда Банк бошқаруви ва назорати органлари ҳамда ходимлари ўртасида манфаатлар балансига риоя қилиш;

- яширин манфаатлар тўқнашуви ёки юз берган манфаатлар тўқнашуви ҳолати тўғрисида хабар берилганидан сўнг шахсларни таъкиб қилинишдан ҳимоя қилиш.

6. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари

6.1. Агар Банк ходими ташқаридан таъсир қилаётган хусусий ёки бошқа манфаатнинг у томонидан бажарилаётган фаолиятнинг моҳияти, унинг фикрлари объективлиги ва Банк номидан иш кўришига таъсир қилса, ходим ҳар қандай битимлар бўйича Банкка қарши рақобатни келтириб чиқарса, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда сусткашликка йўл қўйса, Банк томонидан амалга оширилаётган битимлар бўйича хавф-хатарни оширса, Банкнинг молиявий аҳволи ва касбий шаънига путур етказса, манфаатлар тўқнашуви салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

6.2. Қуйидагилар оқибатида Банк акциядорлари, Банк бошқаруви органлари ва акциядорлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, норматив ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- Бошқарувнинг ваколатли органларининг олдиндан розилигини олмасдан туриб, йирик битимлар ва алоқадор (аффиляцияланган) шахслар билан битимлар тузиш;

- Бошқарув органлари томонидан Банкнинг молиявий аҳволининг ёмонлашувига сабаб бўладиган қарорларнинг қабул қилиниши;

- Банк бошқаруви таркибига кирувчи шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятлар улуш (акциялар)га эга бўлганлик тўғрисида маълумотларни ошкор қилмаслик ёки тўлиқ маълумотларни тақдим этмаслик.

6.3. Қуйидаги ҳолатларда Банк бошқаруви ва назорати органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин:

- Қонунчилик, Банкнинг таъсис ва маҳаллий ҳужжатларига риоя қилмаслик;

- Банкнинг бир ходими томонидан битимлар тузиш, бухгалтерлик ҳисоби бўйича ёзувлар (ҳисоб-китоб, мемориал, касса, балансдан ташқари ҳужжатлар)га асосланган дастлабки ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш (имзолаш), бухгалтерлик ҳисобида битимларни акс эттириш, уларни назорат қилиш, кредит операцияларини амалга оширишда тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигига баҳо бериш ва келгусида мижознинг молиявий аҳволини мониторинг қилиш каби ҳаракатларнинг бажарилиши;

- Бир ходимнинг ўзи томонидан автоматлаштирилган тизим ёрдамида бухгалтерлик ҳисобларда битимларни акс эттириш имконига эга бўлган автоматлаштирилган тизимни бошқариш вазифасини амалга ошириш;

- Бир ходимнинг ўзи томонидан Банкнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини акс эттирувчи Банк ҳисоблари ва мижоз билан операцияларни кўрсатувчи ҳисобларни юритиш;

- Банкнинг бир ходими томонидан мижоз ҳисобига ёки унинг топшириғи билан Банк воситалари ҳисобига битим тузиш;

- Банк ва мижоз манфаатларининг шахсий манфаатларидан устунлиги тамойилига амал қилмаслик, шахсий мақсадларга хизмат ваколатини суистеъмол қилиш;

- Ишчанлик муомаласи ва касбий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслик;

- Банк ҳамда мижоз томонидан шартномавий мажбуриятларга риоя қилмаслик;

- Банк билан алоқадор (аффиляцияланган) шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузишда ички банк лимитларига риоя қилмаслик;

- Банк ишчанлик муносабатларини боғлаб турган бошқа компания манфаатларининг мавжудлиги;

- Ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, Банк манфаатларини поймол қилиш орқали бошқа компанияларга иш бўйича имкониятларни тақдим этиш.

6.4. Қуйидагилар оқибатида Банк ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин:

- Амалдаги қонунчилик ва Банкнинг маҳаллий ҳужжатлари талабларини бузиш;

- Ишчанлик муомаласи ва касбий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслик;
- Ўзига ва яқин қариндошларига тегишли тижорат фаолиятини юритиш;
- Банк ишчанлик муносабатларини боғлаб турган бошқа компания молиявий манфаатларининг мавжудлиги;
- Банк иш бўйича муносабатлар билан боғлиқ бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича раҳбар, мансабдор шахс бўлиб ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;
- Ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, Банк манфаатларини поймол қилиш орқали бошқа компанияларга иш бўйича имкониятларни тақдим этиш.

6.5. Қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви хавфи бўлмаслиги мумкин:

- Агар ходим томонидан эгаллаб турилган лавозим, унинг эгаллаб турган лавозими бўйича вазифалари, у манфаатдор бўлган ишда яширин манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиши ёки уни келтириб чиқариши мумкин бўлган битимлар ҳажмини белгилаш ёки таъсир қилиш имконига эга бўлмаса;
- Банк ходимининг шахсий, касбий сифатлари, унинг шаъни унинг иштирокидаги вазиятни манфаатлар тўқнашуви сифатида талқин қилмалikka имкон берган ҳолатлар.

7. Манфаатлар тўқнашуви олдини олиш

7.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банкларда ички назоратни ташкил қилиш, Банкнинг маҳаллий ҳужжатлари билан унинг юқори даражада ишчанлик обрўйини ушлаб туриш мақсадида амалдаги Сиёсат билан ва тартибга солиш бўйича талаблар ўрнатилган бўлиб, уларга Банк бошқаруви органлари, унинг мансабдор шахслари ва ходимлари учун бажарилиши мажбур бўлган чоралар, ҳаракатлар ва тартибни киритиш мумкин.

7.2. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ёки тартибга солиш бу каби низоларни ўз вақтида ва тўлиқ аниқлаш ҳамда барча Банк органлари ҳаракатини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

7.3. Банк мансабдор шахслари, бошқарув органлари аъзолари, ходимларининг ўз хизмат мажбуриятларини бажариш мобайнида манфаатлар тўқнашуви йўл қўймаслик бўйича чора тадбирлар улар томонидан шахсан ёки ўз вакили томонидан битимлар тузиш/операцияларни амалга ошириш

жараёнида ўз мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда моддий ва /ёки бошқа турдаги фойда олишга йўл қўймасликка қаратилган.

7.4. Банк фаолиятини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича асосий чоралар қуйидагилардан иборат:

- Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан банк операциялари ва битимларни тузишда қонунчилик нормалари, Банк Низоми ва ички ҳужжатларида кўрсатилган қоидалар ва мансабу йўриқномаларига қатъий риоя қилиш;
- Банкнинг ваколат ва ҳисобот масъулияти соҳаларини аниқ чеклайдиган ташкилий тузилишини тасдиқлаш ва қўллаб-қувватлаш;
- Банкни бошқариш бўйича ваколатларни Бошқарув раиси ва ўринбосарлари орасида мажбуриятларни тақсимлаш бўйича буйруқ билан тасдиқлаш;
- Акционерлар умумий йиғилиши, Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви, шунингдек алоҳида мансабдор шахслар орасида банк фаолияти бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш ва бошқариш мобайнида вазифаларни бўлиб олиш бўйича келишувга келиш;
- Банкнинг муайян доирадаги ходимларига алоҳида банк операциялари (битимлар)ни амалга ошириш бўйича ишончномаларни тақдим этиш;
- Ходимлар орасидаги мажбуриятларни улар орасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келишини, жиноятлар содир этилиши ва банк операцияларини амалга оширишда бошқа турдаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни олдини олиш мақсадида тақсимлаш чиқиш;
- Банкдаги мавжуд маълумотлар, шунингдек статистик ва бошқарув ҳисоботларидан фойдаланган ҳолда энг масъулиятли ва кенгқўламли масалалар бўйича коллегиял қарор қабул қилиш амалиётини жорий қилиш;
- манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган ҳаракатларни олдини олиш: Банк мансабдор шахслари ва ходимлари ўзларининг оила аъзолари, яқин қариндошлари ушбу ташкилотлар билан шахсий ва молиявий манфаатлари бўлган ташкилотлар жалб қилинган операциялар ва битимлардан ўзларини тийишлари зарур;
- учинчи шахслар билан битимлар тузишда махфий сир бўлган маълумотлардан фойдаланиш ва уларни узати қатъий тақиқланади;
- Банкнинг ички аудит Департаменти ва ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аффилиция қилинган шахслар билан битимлар

тузилиши, шунингдек, уларнинг манфаатида амалга оширилган ва йирик битимларни текширишни амалга ошириш;

- Ички назоратнинг кўпоғонали тизимини жорий қилиш.

7.5. Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбур:

- Ўз хизмат мажбуриятларини Банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларга кўра амалга ошириш;
- Амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банк устави, Банкнинг ички низомлари, шунингдек амалдаги Сиёсат талабларига риоя қилиш;
- Мижозлардан комиссия тўловлари, мукофотлар ва бошқа тўловларни шартномада ўзаро келишилган шартларда белгиланган тарифлар ёки улар бўйича маълумот очик бўлган Банк тарифлари бўйича тўланишини талаб қилиш;
- Ўз мижозлари учун хизматларни юқори сифат даражасида, виждонан кўрсатиш, шунингдек мижозларнинг топшириқларини молиявий самардорлик нуқтаи назаридан имкони борича энг яхши даражада бажариш;
- Ходимлар томонидан мижознинг яққол хатога йўл қўйган (шунингдек буюртма, ариза ва мижоз томонидан имзоланган бошқа ҳужжатлар) ҳолатидан онгли равишда шахсий манфаатларида фойдаланиш ҳолатларига йўл қўймаслик. Мижознинг топшириғида бу каби хатолик йўл қўйилганида Банк ходими хато топшириқни бажармаслик бўйича онгли ҳаракатларни амалга ошириши ва бу ҳақида мижозга хабар бериши зарур;
- Мижозга берилган тавсиялар мазкур масала бўйича мавжуд маълумотларни виждонан таҳлил қилишга асосланиши зарурлигини таъминлаш;
- Банк фаолияти давомида яратилган, олинган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини ривожлантириш, шунингдек Банк бошқарув органи ва бошқа ваколатли шахсларнинг рухсатсиз банкнинг тижорат ва банк сири бўлган қоғоз, магнит ва бошқа ташувчиларда ифодаланган маълумотларнинг савдо-сотик, ўтказиш, нусха олиш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа турда тарқатишнинг предметига айланмаслигини олдини олиш;
- манфаатлар тўқнашуви юзага келишига сабаб бўлувчи ҳаракатлар ва қарорларни қабул қилишдан ўзини тийиш, шунингдек Банкда хизмат

кўрсатилаётган миждозлардан моддий ва/ёки бошқа турдаги фойдани олмаслик;

- активларнинг сақланишини таъминлаш, банк таваккалини бошқаришни ўз ичига олувчи активлар ва пассивларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш;

- Банк, унинг мансабдор шахслари, ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатларни содир этилишига жалб қилиш, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, террорчиликни молиялаштириш, оммавий қирғин қуролларини молиялаштиришнинг олдини олиш;

- Банк операциялари ва бошқа битимларни тузишда максимал даражада натижакорликни таъминлаш;

- Банк операциялари ва битимларни тузиш, шунингдек аффилиция қилинган шахслар билан битимлар тузилишида ички банк лимиталарига риоя қилишни назорат қилиш;

- Бошқарув органларининг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида битимлар ёки суммаси мазкур битимлар лимити миқдоридан кўп бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

- Банк бошқаруви органларига инсайдерлар ва/ёки аффилиция қилинган шахслар билан битимлар тўғрисидаги ҳамда аффилиция қилинган шахслар манфаатида қилинган, йирик битимлар тўғрисидаги Банк ҳисоботлар (маълумотларни) амалдаги қонунчилик Банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ва муддатда тақдим этиш;

- ҳамда аффилиция қилинган шахслар билан боғлиқ акциядорлар билан битимлар тузишни амалдаги қонунчилик Банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган тартибда амалга ошириш;

- аффилиция қилинган шахслар манфаатида қилинган, йирик битимларни амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган тартибда олдиндан Банкнинг ваколатли шахслари билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

- Банкнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотни амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ошкор қилиш;

- Банк акциядорлари, унинг миждозлари, тартибга солиш ва назорат органлари ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиладиган бухгалтерлик ҳисоботлари ва бошқа нашр этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

- Банк тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб

чиқиш, ҳар бир пайдо бўладиган салбий ва ноҳақ маълумотларни ўз вақтида ечимини топиш;

- Банк хавф-хатари ва Банк ички назорати тизимининг камчиликларини ўз вақтида аниқлашда иштирок этиш;

- Қонунчилик ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига риоя қилиш;

- Мижозлар томонидан Банкка ишониб топширилган пул маблағлари ва қимматликларнинг сақланишини таъминлаш;

- Мижозларнинг топшириғига кўра ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, омонатлар суммалари, ҳисоблар (омонат)лар фоизлари ва бошқа битимлар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш;

- Мижозлар номидан шартнома ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган катъий ваколатлар доирасида операциялар (битимлар) ни амалга ошириш;

- Ходим Банк шартнома тузмокчи бўлган юридик шахснинг таъсисчиси (акциядори) ва/ёки охириги бенефициари эканлиги тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида юқори турувчи мансабдор шахс ёки Банк бошқаруви органига маълум қилиш;

- Ўз вақтида ҳар қандай юзага келган манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотни у ҳақда айён бўлган вақтдан бошлаб етказиш;

- Низоларни улар ривожланишининг энг илк босқичларида ўз вақтида аниқлаш ва уларга Банк, унинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан эътиборли муносабатда бўлинишини таъминлаш.

7.6. Банк ва мансабдор шахслар ҳамда ходимлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ўз хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагиларга мажбур:

- Ишчанлик муомаласи ва касбий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш;

- Ходим Банк шартнома тузмокчи бўлган юридик шахснинг таъсисчиси (акциядори) ва/ёки охириги бенефициари эканлиги тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида юқори турувчи мансабдор шахс ёки Банк бошқаруви органига маълум қилиш;

- манфаатлар тўқнашуви вазиятининг юзага келиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсга ўз вақтида маълум қилиш;

- юқори турувчи мансабдор шахсни мансабдор шахс ўзи ёки унинг яқин қариндоши сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ва Банк келгусида тижорат фаолиятини олиб боришни режалаштирган ташкилотлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

- манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган ҳаракатларни олдини олиш: Банк мансабдор шахслари ва ходимлари ўзларининг оила аъзолари, яқин қариндошлари ушбу ташкилотлар билан шахсий ва молиявий манфаатлари

бўлган ташкилотлар жалб қилинган операциялар ва битимлардан ўзларини тийиш;

- ўз вақтида ходимнинг бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ишламоқчи эканлигини маълум қилиш ва ушбу иш Банк манфаатларига зид келмаслигини тасдиқловчи маълумотни тақдим этиш.

7.7. Кўрсатиб ўтилган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича сабаблар узил-кесил ҳисобланмайди. Ҳар бир алоҳида манфаатлар тўқнашуви ҳолатида уларни ҳал қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа чоралар кўрилиши назарда тутилади.

8. Манфаатлар тўқнашуви жараёнини бошқариш иштирокчилари, уларнинг вазифалари ва ваколатлари

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши банк бошқарувининг юқори органи бўлиб, унинг ваколатлари ЎЗР “Банклар ва банк фаолияти”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Банк Низоми билан тартибга солинади.

8.2. Банкнинг Кузатув кенгаши:

- Банкнинг амалдаги Сиёсатини тасдиқлайди;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасида қабул қилинаётган чоралар ва умумий назоратни амалга оширади.

8.3. Банк бошқаруви:

- Банк фаолиятининг қонунчилик талабларига мос келиши, манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасида зарур тизимлар, жараёнлар ва назоратни жорий қилиш орқали қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди;

- манфаатлар тўқнашуви тизимида масалаларни самарали ва оператив ҳал қилишни ҳисобга олган ҳолда амалдаги Сиёсатни бажариш ва амалга оширишни таъминлайди;

- манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасидаги ички норматив ҳужжатларни тасдиқлайди, Банкнинг Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган ҳужжатларни тасдиқлаш бундан мустасно.

8.4. Ходимлар билан ишлаш Департаменти:

- электрон маълумотлар базасида Банкнинг Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзолиги ва асосий лавозимларга тайинланган (сайланган) ходимларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги Банк рўйхатини юритади.

8.5. Мустақил таркибий тузилмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари:

- ходимларни амалдаги Сиёсатнинг талабларини сўзсиз бажариш ва хулқ атворнинг ахлокий меъёрларига риоя қилишга йўналтиради, виждонан меҳнат қилиш намунасини кўрсатади;

- Ходимларни мотивация қилиш мақсадида уларнинг шахсий самарадорлигига баҳо беришда амалдаги Сиёсатнинг талабларини бажариш давомийлиги, бекаму-кўстлиги ва бажариш самарадорлиги натижаларини ҳисобга олади;

8.6. Банкнинг барча ходимлари:

- манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни идентификация қиладилар;

- қонунчилик, амалдаги Сиёсат ҳамда касбий ахлоқ-одоб қоидаларига сўзсиз риоя қиладилар.

9. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш босқичлари

9.1. Яширин манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларга баҳо бериш.

Банк ходимлари қуйидагиларга мажбур:

- ўз фаолиятларида ҳисобга олиниши керак бўлган шахслар ва ташкилот манфаатлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш, ва ўзларининг ваколатлари доирасида яширин манфаатлар тўқнашувига баҳо бера олиш;

- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича оқилона чораларни кўриш;

- ўзининг бевосита раҳбарини юзага келган манфаатлар тўқнашуви ёки уларнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида бу ҳақда маълум бўлган вақтни ўзида маълум қилиш. Агар ўз бевосита раҳбарига мурожаат этилган ҳолларда манфаатлар тўқнашувини ва низоларни бартараф этиш бўйича келгусида ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмаган шароитда ходим бу ҳақда Банк раҳбариятига ахборот бериши шарт.

Алоҳида Банк ходимининг ваколоти доирасидан четга чиққан манфаатлар тўқнашуви ҳолати Банк даражасида баҳоланади. Агар Банк ходими манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида ёки унга қай тарзда баҳо бериш тўғрисида билмаса, ёрдам сўраб у бевосита раҳбарига мурожаат этиши зарур.

9.2. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлган маълумотнинг очиклиги;

- қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда қарор қабул қилишни таъминлашдаги тўсиқлар:

- мажбурият ва ваколатларнинг бўлиниши;
- ахборотни назорат қилиш;
- жисмоний тўсиқлар.
- манфаатлар тўкнашуви вазиятига сабаб бўлган бозор муносабатлари.

9.2.1. Бўлинмалар ишининг мустақиллиги.

Бир вақтнинг ўзида ҳар хил мижозлар билан битим тузиш билан боғлиқ манфаатлар тўкнашувида Банк ички бўлинмалар ишида зарур оқилна мустақиллик даражасини таъминлади.

Бу тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- мижозлар билан битим тузиш учун жавобгар бўлган раҳбарларнинг бўлиниши;
- битим тузишда иштирок этувчи жамоаларни тўлиқ ажратиб қўйиш;

9.2.2. Ахборот оқимларини тақсимлашда “хизмат заруратини” тақсимлаш тамоёили.

Махфий (шунингдек инсайдерлик) маълумотини олдини олиш мақсадида “хизмат зарурати принципи” жорий қилиниб, у барча Банк ходимлари учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади ва бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш ушбу маълумотларга киришни талаб қилмайдиган ходимларга кириш тақиқланади.

9.2.3. Манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш.

Манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш Банкни бу каби низоларни олдини олиш бўйича самарали ташкилий ва маъмурий чораларни кўриш ва таъминлаш мажбуриятдан озод қилмайди. Банк ходимлари манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишигга ишонаслиги, аксинча ўзларининг ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида уларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни таклиф қилишлари зарур. Манфаатлар тўкнашувини ҳал қилишда ахборотни ошкор этилиши охириги зарурат сифатида қабул қилинмаслиги зарур.

Мижоз билан ёки унинг манфаатида битим тузишда Банк манфаатлар тўкнашуви тўғрисида фактик ёки яширин (эҳтимолли) маълумотларни ошкор қилиши керак, агар Банк низони тартибга солиш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар мижоз манфаатларининг камситилишига йўл қўймалигига ишончи комил бўлмаса.

Ахборотни ошкор қилиш олдиндан яширин манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида етарлича асослар тўғрисида далиллар мавжуд бўлган шароитда амалга оширилиши зарур бўлиб, бунда миждоз Банк билан муомала қилиш тўғрисида ўйлаб кўрилган қарорга қелиши зарур.

Ахборотни ошкор қилиш даражаси бир қатор яққа тартибдаги фактлар ва ҳолатларга боғлиқ бўлиб, улар манфаатлар тўқнашувининг хусусияти, улар тегишли бўлган тарафларнинг бир бирига ва битимга нисбатан билимлар ва турига боғлиқ бўлади.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш даражаси ва ҳажми тўғрисидаги қарор Банк бошқаруви томонидан қабул қилинади.

Банкнинг раҳбарияти ва ходимларига манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги далилларни қасддан яширганлик ва ахборот бермаганлик учун интизомий жазодан тортиб ишдан бўшатишгача бўлган чоралар қўлланилади.

9.2.4. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳисобдорлик.

Ҳар бир манфаатлар тўқнашуви бўйича, шунингдек яширин манфаатлар тўқнашуви ҳамда унинг салбий натижалари тўғрисидаги маълумот Банкнинг ахборотлар базасига киритилади. Мазкур ахборотлар базасидаги маълумотларга кўра ҳар чоракда Банкнинг Кузатув кенгашига манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳисоботлар тақдим этилади.

9.2.5. Битимни тузишдан воз кечиш.

Манфаатлар тўқнашувини онгли равишда ҳал қилишнинг иложиси бўлмаган шароитда ёки Банкнинг обрўйига путур етказмалик ва суд даъвосини олдини олиш мақсадида Банк ўзи хизмат кўрсатаётган муайян миждоз билан битим тузишдан воз кечиши мумкин.

Бошқарув/Кузатув кенгаши аъзолари томонидан мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишда уларнинг Банк манфаатлари билан тўқнашуви ҳисобга олинади. Бошқарув/Кузатув кенгаши аъзолари фикрига кўра манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган аъзо овоз беришда, баъзи ҳолларда уни муҳокама қилишда иштирок этмайди.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида Бошқарув аъзоси раисга ахборот беради, Кузатув кенгаши аъзолари эса ўз навбатида Кузатув кенгаши раисига ахборот беради. Бошқарув/Кузатув кенгаши аъзоларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса, у ҳақда Бошқарув раиси Кузатув кенгаши раисига

маълум қилади, Кузатув кенгаши раиси эса – Банк акциядорларига маълум қилади.

Агар Бошқарув/Кузатув кенгаши аъзоси манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги шароитида баъзи масалалар доирасида мазкур масалани ечишда иштирок этган бўлса, Бошқарув/Кузатув кенгаши қарори бекор қилиниши ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган аъзоси бўлмаган шароитда қайта муҳокама қилиниши мумкин. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган қарорни қабул қилиниши бекор қилиш Бошқарув/Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Қарорни сақлаб қолиш тўғрисидаги қарор Бошқарув/Кузатув кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилиги билан қабул қилиниши зарур, ақс ҳолда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган шароитда муҳокама қилинган қарор бекор қилинади.

9.2.6. Ходимларнинг учинчи шахслар бошқаруви органларида иштироки ҳамда мустақил тижорат фаолиятини амалга ошириш.

Банк манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ходимларнинг учинчи шахслар бошқаруви органларида иштироки бўйича ҳамда мустақил тижорат фаолиятини амалга ошириш мажбуриятларини бажаришни талаб қилиши мумкин. Бу каби мажбуриятлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Банкка ёлланган янги ишчилар ёки ходимлардан уларнинг яқин қариндошлари ва оила аъзолари учинчи шахслар бошқаруви органларида иштироки тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш, шунингдек улар томонидан мустақил тижорат фаолиятини амалга оширилиши, бошқа ташкилотнинг агенти сифатида ишлаши билан боғлиқ маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш;

- Баъзи тоифадаги ходимларга учинчи шахслар бошқаруви органлари ёки уларнинг устав капиталида Банкда ишлаш билан бир вақтнинг ўзида иштирок этишни чеклаш.

Банк ходими Банк иштирокида содир этиладиган битимда ёки қайсидир миждози ва таъминотчисининг битимида, агар бундай ходим, унинг яқин қариндошлари ва оила аъзолари битимдан манфаатдор ёки мазкур битимдан тўғридан тўғри ва бевосита фойда олиши назарда тутилган шароитда, агар бундай битим ёки яширин даромад ва манфаат ошкор қилиниши ва ёзма равишда рухсат этилмаслига шароитида йўл қўйилмайди.

9.2.7. Қариндошларнинг биргаликда ишлаши.

Яқин қариндошларнинг Банкда тўғридан тўғри ёки функционал бўйсунуш асосида ишлаши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

Бошлиқ қариндошларнинг хизматчи қариндошларга нисбатан қарорлари ноҳолис бўлиши ва Банкнинг бошқа ходимлари ёки учинчи шахслар, яъни мижозлар, акциядорлар, контрагентлар, давлат ва давлат органлари томонидан ноҳолис деб эътироф этилиши мумкин;

Банк раҳбарияти орасидаги қариндошчилик алоқалари, обрў-шаън билан боғлиқ чекловларни яратади, Банкда баҳолаш жараёнларининг ва мансаб поғоналари бўйича кўтарилишда ноҳолислик бўлишига гумонни келтириб чиқаради.

Яқин қариндошчилик муносабатлари бўлган шахсларга агар улар бевосита бир бирларига бўйсунадиган ёки бири иккинчисининг назоратида бўлган шароитда ишлаш тақиқланади.

9.2.8. Совғалар ва вакиллик ҳаражатлари

Банк ўз ҳисобидан ва ўз номидан амалга ошириладиган иш бўйича меҳмондўстлик, шунингдек Банк ўз ҳисобидан ва ўз номидан қиладиган совға ва хизматлар ёки Банк билан иш бўйича муносабатга эга бўлган ёки шундай муносабатларни ўрнатишга интилувчи жисмоний шахслар ва ташкилотлардан совға ва хизматлар қабул қилишга баъзи чекловларни ўранатади.

Вакиллик ҳаражатлари ва совғалар Банкнинг ишчанлик шаъни путур етказмаслиги, шунингдек амалдаги Сиёсат, Банкнинг касбий ахлоқ-одоб ва ишчанлик муомаласининг ахлоқий меъёрларининг тамойилларини белгиловчи ички норматив ҳужжатлари ва амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаслиги керак.

Ходим совғанинг йўл қўйилиши ёки совғалар билан муомала қилишг бўйича бошқа масалалар бўйича шубҳа туғилган шароитда ўзининг бевосита бошлиғига мурожаат қилиши зарур.

Вакиллик ҳаражатларини ва совғаларни тартибга солувчи масалалар Банкнинг вакиллик ва бошқа ҳаражатлари тўғрисидаги Низоми билан белгиланиши мумкин.

10.Жавобгарлик

10.1. Банкнинг барча ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар амалдаги ҳужжат тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар бўладилар, шунингдек улар қўл остидаги ходимларнинг ушбу тамойилларни бузиш бўйича ҳаракати ва ҳаракатсизлиги учун масъулдирлар.

10.2. Банк ўз ходимлари, контрагентлари, аффилиация қилинган шахсларнинг махфий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш ва бозорда хийла-найрангларда иштироки учун санкцияга тортилиши сабабли, ҳар бир асосланган ва аниқланган ҳолатлар ва суистеъмол қилиш бўйича гумон бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган доирада хизмат текширувлари ўтказилиши белгиланади.

10.3. Банкнинг барча ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар амалдаги Сиёсат талаблари қонун бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текшируви материаллари уларнинг ҳаракатларига қонуний баҳо берилиши учун ҳуқуқтартибот органларига тақдим этилиши мумкин.

11.Яқуний қоидалар

11.1. Амалдаги Сиёсатнинг алоҳида қоидалари амалдаги қонунчиликка зид бўлган ҳолларда амалдаги қонунчилик қоидалари қўлланилади.

11.2. Амалдаги Сиёсат Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.